



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ “ҒАЛАБА БОҒИ” МАЖМУАСИ ТАРКИБИДАГИ “ШОН-ШАРАФ” ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

III БОБ: “МАРДЛАР ЖАСОРАТИ МАНГУ ЯШАЙДИ

4-МАШГУЛОТ: Тошкент Куранди. Украинада бедарак йўқолган икки жангчи тарихи. Қидиув давом этади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда ташкил қилинган ҳарбий бирлашма қисмларининг жанговар байроқлари. Россия Федерацияси ва Белорусь Республикаси Президентларининг Ғалаба байрами муносабати билан топширган эсдалик совғалари.

Тошкент ш. 2021 й.

Мардлар жасорати манггу яшайди



Музейдан ўрин олган Тошкент курантига бағишиланган экспозиция



Уста Ширин Муродов



Иосиф Айзенштейн



Тошкент куранти 1947 йил

Тошкент куранти – 1941-1945 йиллар урушда қозонилган ғалаба шарафига монумент сифатида 1947 йили Тошкент шаҳри марказида қурилган минора. Курантнинг ҳар бонг уриши гўёки Иккинчи жаҳон уруши фожиаларини одамларнинг ёдига солиб туради. Уларни тинчликни асрашга чорлайди.


Музейнинг 5-бўлимидан ўрин олган бюстлар



Москва мудофааси
иштирокчиси Усаров
Турат бюсти




Зулфия ая Зокирова



Совет
Қаҳрамони
учувчи,
Эшонқулов бюсти

Иттифоқи
харбий
Абдусаттор



Иккинчи жаҳон уруши
иштирокчиси Ражабов
Мадамин бюсти

Зулфия ая Зокирова



Зулфия ая Зокирова исмли бир мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказган.

Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан жудо бўлган. Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Аянинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўймас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келилари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади

Зулфия аяning беш ўғиллари ва келинлари



Исоқжон



Мамажон



Ваҳобжон



Аҳмаджон



Юсуфжон



Лазокат ая



Ҳамринисо ая



Хидоят ҳон ая



Манзура
ая



Илҳак
фильмидан
парча

Bugungi kunda Zulfiya aya Zokirova hamda uning Ikkinchi jahon urushi janggohlaridan qaytmagan farzandlari Isoqjon, Ahmadjon, Muhammadjon, Vahobjon va Yusufjon, front ortidagi mashaqqatli mehnatlarni o‘z yelkasiga olgan to‘rt kelini taodiri xisusida bikoru qiluvchi “Ilhaq” hadijiy filmi surʼatosi olindi.

Хотира китоби



Ушбу витринада ўзбекистонлик жангчилар рўйҳати киритилган 36 жилдлик “Хотира” китоблари жойлаштирилган

Иккинчи жаҳон уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчилар рўйхати 36 жилдлик “Хотира” китобларида акс эттирилган.


Хотира китоби – Ватан ҳимояси йўлида жон берган жангчилар ва уларнинг шонли жанговар йўлларини ёдга солувчи тарихий китоб.

Мазкур кўплаб чоп этилган китоблар Иккинчи жаҳон уруши йилларида жангларда ҳалок бўлган, барчаси номма-ном акс этган юртдошларимизга бағишланган.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновга бағишланган экспонатлар



Совет Иттифоқи
Қаҳрамони Қудрат Суюнов



Витринада Қудрат Суюновнинг “Олтин Юлдуз” медали, “Ленин” ордени тақдирлаш варақалари, унга тегишли буюмлар, Нарпай туманида қаҳрамонга ўрнатилган хайкал, фотосуратлар жойлашган



Қудрат Суюновни онаси фронтга күзатмоқда. Музей ичидә ўрнатилған композиция

Қудрат СУЮНОВ - 1919 йил Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги Ингичка қишлоғида туғилған. Марказий фронтнинг 73-ўқчи дивизияси 109-ўқчи полки отделение командири. 1943 йил 12 сентябрида Қ. Суюновнинг отделениеси Украинанинг Чернигов вилояти Оболоне қишлоғи яқинида Десна дарёсининг ғарбий соҳилида плацдармларни кенгайтиришда иштирок этди. Ушбу жангда Қудрат Суюнов бўлинмани олдинга ҳаракатланишига тўсқинлик қилаётган душманнинг ўт очиш нуқтасини шахсан яксон қилди, ўзи ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

1943 йил 16 октябрда унга жанговар вазифани муваффақиятли бажарганлиги ва бунда кўрсатган жасорати ва матонати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди (вафотидан сўнг).

Украинанинг Ровно вилоятидан топилган ўзбек жангчиларининг жасадларини дафн қилиниши



Мамадалиев Тўйчибой ва
Холиков Қурбонбойларнинг
тобутларини Украинадан
Ўзбекистонга жўнатилиши

Мамадалиев Тўйчибой ва Холиков Қурбонбойларнинг жасадлари Андижон вилоятига олиб келиниб,
миллий анъаналаримизга риоя қилган ҳолда дафн этилиш марасими

2019 йилнинг ноябр ойида Украинанинг Ровно вилоятидаги Пустоиваний қишлоғи ўрмонида ер ковлаётган ишчилар инсон жасади қолдиқларига дуч келган. Украинадаги “Заход-схуд” кўнгиллилар отряди жасадлар ёнидан турли қолдиқлар топган.

Топилган қолдиқлар ва хужжатлар ўрганилганда, улар 1915 йил Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани Сталин колхозида туғилиб, 1939 йилда Андижон тумани ҳарбий бўлимидан хизматга чақирилган оддий аскар Мамадалиев Тўйчибой, иккинчиси - 1919 йилда Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани Уйғур қишлоғида туғилиб, 1940 йилда Избоскан туманидан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Қурбонбой Холиков эканликлари аниқланган. 2020 йил 12 март куни “Нуроний” жамғармасининг Андижон вилояти бўлими ходимлари томонидан оддий аскарлар Мамадалиев Тўйчибой ва Холиков Қурбонбой жасадлари Андижон вилоятига олиб келиниб, миллий анъаналаримизга риоя қилган ҳолда дафн этилди.

Биродарлик қабристони



1975 йил Тошкент шаҳрида барпо этилган “Биродарлик қабристони” ёдгорлиги фашизмга қарши курашган жангчи-халоскорларга халқ әхтироми сифатида “Мотамсаро она” мемориали барпо қилинган.

Иккинчи жаҳон уруши СССР халқлари қалбида чуқур оғриқ қолдирган. Тошкент нафақат фронт орти шаҳри бўлибгина колмай, балки у даволашга олиб келинган ярадор жангчиларни фронтга даволаб жўнатган қаҳрамон шаҳарга айланди.

Уруш йилларида поездларда олиб келинган ярадор жангчиларнинг бир қисми йўлда ҳалок бўлган ва Биродарлик қабристонига дафи этилган. Тинчлик, ёруғлик, муҳаббат ғалабаси учун жонини қурбон қилган аскарлар хотираси учун миннатдор авлодлар номидан ёдгорлик сифатида ўрнатилган мангу олов ёниб турди, гўёки зангори арча ва тераклар уларни қўриқламоқда, мажнунтоллар эса, қабрлар устида бош эгиб турибдилар.

Қидирув давом этади

1941-1945 йилларида фашизм устидан эришилган ғалабага бағишлиб қўплаб санъат, бадиий ва тарихий асарлар яратилган ва бу жараён ҳали ҳамон давом этмоқда. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий Кенгаши ташабbusи билан уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак кетгандарнинг рўйхатини ўз ичига олган 36 жилдлик “Хотира” китоби чоп этилган. Бу хайрли ишга уруш қатнашчиси, таниқли журналист-ёзувчи Мажид Самадов умрининг 25 йилини сарфлади, шунингдек ушбу жараёнда С. Г. Мусаев, Н. Г. Березняк томонидан ийғилган материаллардан ҳам кенг фойдаланилган.


Инсоният тарихидаги энг шафқатсиз урушлар қаторидан ўрин олган мазкур урушда 6,5 млнлик Ўзбекистон аҳолисининг 1,5 млн га яқини урушга сафарбар этилиб, 263 005 киши урушдан қайтмаган, 60 452 киши ногирон бўлиб қайтган ва 132 670 киши бедарак йўқолган.



Витринада “Прометей” гурӯҳи босиб ўтган йўл ҳақида ҳикоя қилувчи журнал, топилган ашёлар



Фотосуратларда қидирув натижасида топилган аскарларнинг шахсий буюмлари, сапёрлар кураги кўрсатилган





“Прометей” қидирув раҳбари
Зарифа Эшмирзаева

Ўз гурухи билан
Уруш йилларида бедарак кетган ҳамда фронтда жанг қилиб узок ўлкаларда дағн этилган ватандошларимизининг тақдири ҳамда улар дағн этилган мозорларни аниқлаш, маълумотлар тўплаш мақсадида 1984 йилнинг кузида “Прометей” ватанпарварлик қидирув бирлашмаси ташкил этилди.

Зарифа Эшмирзаева ва Миртурсун Мирсоатов бошчилигига ушбу қидирув гурухи томонидан уруш бўлиб ўтган худудлар - Белоруссия, Украина, Россия Федерациясига экспедициялар уюштирилиб, жанггоҳларда мардларча ҳалок бўлган ва дағн этилган юзлаб жангчиларнинг қабрлари ва улар билан боғлиқ маълумотлар аниқланиб, уларнинг яқин қариндошларига етказилган. Аниқланган маълумотлар жамланиб, “Хотира” ва бошқа китоблардан ўрин олган. ОАВларида кўплаб мақолалар чоп этилган.



Қидирув гурухи томонидан жанг бўлиб ўтган худудлардан топилган ашёлар



Жанговар байроқ

Ҳарбий қисмнинг жанговар байроғи – ҳарбий қисмнинг рамзий тимсоли, унинг шон-шарафи, ҳарбий анъаналарини акс эттириб, ҳарбий қисмнинг йўналишини англатади.

Жанговар байроқ ҳар доим ҳарбий қисм билан бирга бўлиб, ҳарбий қисм жанговар харакатлар олиб бораётган ҳудудда сақланади. Ҳарбий қисмнинг барча шахсий таркиби жанг мобайнида жанговар байроқни мардларча ҳимоя қилиши ва душман қўлига тушушига йўл қўймаслиги керак.

Жанговар байроқ йўқолган тақдирда ҳарбий қисм командири ва ҳарбий хизматчилари бу шармандаликка айбдор деб топилиб ҳарбий суд ҳукмига ҳавола этилади ва ҳарбий қисм тарқатилади.

Аксарият ҳолларда жанговар байроқ душман томонидан эгаллаб олиниш хавфи юқори бўлганда ва уни ҳимоя қилиш имконияти бўлмаганда ҳарбий қисм командирининг буйруғи билан жанговар байроқ йўқ қилинади.



Уруш йилларида Ўзбекистонда ташкил қилинган ҳарбий қисм ва бирлашмаларни жанговар байроқлари нусхаси музейдан ўрин эгаллаган



”Ғалаба байроғи”

1945-йил 30 апрелда Германия парламенти-Рейхстагнинг бош гумбази устига Ғалаба байроғи сержантлар А.Егоров ва М.Кантария томонидан ўрнатилди. Ушбу байроқ 1-Белоруссия фронтининг 3-зарбдор армияси 79-ўқчи корпусининг ІІ-даражали Кутузов орденли 150-ўқчи дивизияси жаговар байроғи эди.



44-Отлик дивизия жанговор байроғи

44-отлик дивизия 1941-йил ёзида Чирчиқ шаҳри яқинидаги лагерларда ташкил этилган бўлиб, таркибига Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг энг яхши ўғлонлари киритилган.

44-отлик дивизия 1941-йил 27-августдан 5-сентябргача Эрон операциясида фаол қатнашди.

1941-йил 14-ноябрда 44-отлик дивизия Москва жангининг марказида эди. Дивизия аскарлари Волоколамск яқинида қаҳрамонлик билан жанг қилишди. Москва яқинидаги жангларда ўзбекистонлик жангчи Умар Таиров қаҳрамонлик кўрсатди. У Европа давлатларини озод қилиб, урушнинг охиригача борди.

1942-йил апрелда 44-отлик дивизия тарқатиб юборилди ва унинг ўрнига 17-отлик дивизия ташкил топди.



99-Отлик дивизяси
жанговор байроғи

1941 йил 14 октябрда Тошкент вилоятида 99-отлик дивизия тузила бошлади. 99 - отлик дивизия Янгийўл ва Юқори-Чирчиқ туманларида жанговар тайёргарликдан ўтиб, фронтга кетди. Кейинчалик 99 - отлик дивизия тарқатиб юборилди ва унинг қисмлари 333-гвардиячи ўқчи дивизия таркибиغا кирди.

Ўзбекистоннинг ўғил ва қизлари жасорат билан курашган Сталинград учун бўлган жангларда фаол иштирок этди.



Қизил Байроқли 128- Туркистан
гвардиячи тоғ ўқчи дивизияси жанговар
байроғи

Бошланғич номи-83-тоғ ўқчи дивизия.
1941-йил августида 53-алоҳида Ўрта Осиё армияси таркибида Эронга кирди. Олий Бош Қўмондоннинг 1942-йилдаги буйруғи билан Мешхед шаҳридан Қора денгиз (18 А) гурӯҳи таркибига қўшиб юборилди.

Таман ярим ороли озодлигида кўрсатган жасорати учун ОБҚ нинг буйруғи билан 1943-йил 9-октябридан 128-Туркистан гвардиячи тоғ ўқчи дивизиясига айлантирилди.

1944-йил баҳорида Алоҳида Приморск Армияси хужум операциясида иштирок этган.

Кўрсатган қаҳрамонликлари ва жанговар санъати учун 128-чи гвардиячи Туркистан тоғ ўқчи дивизияси ва унинг 315-гвардиячи тоғ ўқчи полки Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.

Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан топширилган эсдалик совғалари



**321523711-018 рақамли, қулранг
чўяндан ясалган “Она Ватан
чақиради” эсдалик совғаси**



**1941 йилда ишлаб чиқарилган
7,62-мм Шпагин пистолет-
пулемётининг намунаси**



**Олий орден – “Ғалаба” ордени
 билан тақдирланган саркардалар
 суратлари туширилган
 медалонлар**


**Белорус Республикаси Президенти А.Г.Лукашенко томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёевга ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан топширилган эсдалик совғалар**



Белорус Республикаси худудида Иккинчи жаҳон уруши даврида фаолият юритган партизанлик бригадалари ва бирлашмаларнинг жойлашув харитаси



1891\1930 йиллар намунасидаги 7,62 мм ли Мосин
винтовкаси макети, 7,62 мм ли ППШ пистолет-
пулемиёти макети, 7,62 мм ли ТТ пистолети
макети



Белорус Республикаси худудида Иккинчи жаҳон уруши даврида
фаолият юритган партизанлик бригадалари ва
бирлашмаларнинг жойлашув харитаси



Белоруссиюн озод этишда иштирок этган тошкентлик капитан Н.Волковинг шахсий буюмлари: 1943 йил намунасидаги капитан погони, ТТ пистолети кобураси, офицер ремени, офицер планшети, от узангилари



Иккичи жаҳон уруши иштирокчиси Шавкат Қориевнинг архив хужжатлари ва Жанговар Қизил байроқ ордени.

Ҳалок бўлған Шавкат ва Ботир Қориевларнинг онаси актриса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мъсима Қориева

Ўзбекистонликларнинг Белорусияда харакатланган партизан отрядлари жангчилари ҳақида маълумот берувчи витрине ва ўзбекистон ва белорус халқларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидағи қаҳрамонликларидан сўзловчи китоб

